

ISSN 2181-7812



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

«Zamonaviy pediatriyaning
dolzarb muammolarini:
bolalar kasalliklari diagnostikasi va
davosining yangi imkoniyatlari»
mavzusidagi III-safqaro ilmiy-amaly anjumanga
bag'ishlangan

MAXSUS SON

2024

TOSHKENT



ISSN 2181-7812

9 772 181 781 009

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI



ВЕСТИК

ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

«Zamonaviy pedatriyaning
dolzarb muammolari: bolalar
kasalliklari diagnostikasi va
davosining yangi imkoniyatlari»

mavzusidagi III-xalqaro ilmiy-amaliy

anjumanga bag'ishlanga

MAXSUS SON

I qism

Тошкент



ISSN 2181-7812



1 7 7 2 1 8 1 7 8 1 0 0 9

*Выпуск набран и сверстан на компьютерном изда-
тельском комплексе*

*редакционно-издательского отдела Ташкентской
медицинской академии*

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О. А. Коллова

Редактор узбекского текста: М. Г. Файзиева

Редактор английского текста: А. Х. Жураев

Компьютерная корректура: З. Т. Алошева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

*Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском
управлении печати и информации*

Регистрационное свидетельство 02-00128

*Журнал внесен в список, утвержденный приказом №
201/3 от 30 декабря 2013 года*

реестром ВАК в раздел медицинских наук

*Рукописи, оформленные в соответствии
с прилагаемыми правилами, просим направлять
по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,*

*Главный учебный корпус ТМА,
4-й этаж, комната 444.*

Контактный телефон 214 90 64

*e-mail: rio-tma@mail.ru
rio@tma.uz*

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

*Отпечатано на ризографе редакционно-издательско-
го отдела ТМА.*

100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА 2024

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чой (Корея)

акад. Каримов Ш.И.

проф. Татьяна Силина (Украина)

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Людмила Зуева (Россия)

проф. Метин Онерчи (Турция)

проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

проф. Саша Трескач (Германия)

проф. Шайхова Г.И.

Члены редакционного совета

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

Herald TMA 2024

EDITORIAL BOARD

Editor in chief

prof. A.K. Shadmanov

Deputy Chief Editor

prof. O.R. Teshaev

Responsible secretary

prof. F.Kh. Inoyatova

EDITORIAL TEAM

academician Alyavi A.L.

prof. Bilalov E.N.

prof. Gadaev A.G.

prof. Jae Wook Choi (Korea)

academician Karimov Sh.I.

prof. Tatyana Silina (Ukraine)

academician Kurbanov R.D. prof. Lyudmila Zueva (Russia)

prof. Metin Onerc (Turkey)

prof. Mee Yeun (Korea)

prof. Najmutdinova D.K.

prof. Salomova F.I.

prof. Sascha Treskatch (Germany)

prof. Shaykhova G.I.

EDITORIAL COUNCIL

DSc. Abdullaeva R.M.

prof. Akilov F.O. (Tashkent)

prof. Allaeva M.D. (Tashkent)

prof. Khamdamov B.Z. (Bukhara)

prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)

prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)

prof. Mamatkulov B.M. (Tashkent)

prof. Okhunov A.A. (Tashkent)

prof. Parpieva N.N. (Tashkent)

prof. Rakimbaeva G.S. (Tashkent)

prof. Khamraev A.A. (Tashkent)

prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)

prof. Shagazatova B.X. (Tashkent)

Journal edited and printed in the computer of Tashkent Medical Academy editorial department

Editorial board of Tashkent Medical Academy

Head of the department: M.N. Aslonov

Russian language editor: O.A. Kozlova

Uzbek language editor: M.G. Fayzieva

English language editor: A.X. Juraev

Corrector: Z.T. Alyusheva

Organizer: Tashkent Medical Academy

Publication registered in editorial and information department of Tashkent city

Registered certificate 02-00128

Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30 of December 2013 in Medical Sciences department of SUPREME ATTERTATION

MISSION

COMPLETED MANUSCRIPTS PLEASE SEND following address:

*2-Farobi street, 4 floor room 444. Administrative building of TMA,
Tashkent, 100109, Tashkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh a'zam binosi, 4-qavat,
444-xona.*

Contact number: 71-214 90 64

e-mail: ria-tma@mail.ru, ria@tma.uz

Format 60x84 1/R. Ibd. printer, L 9.75.

Printing means «Cambridge».

Circulation 1.50.

Negotiable price

Printed in TMA editorial and publisher department risograph

2 Farobi street, Tashkent, 100109.

МУДДАТИДАН ЎТГАН ҲОМИЛАДОРЛИК: ТАРҔАЛГАНЛИГИ, ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЕЗИ

Сагдұллаева М.А., Исламов С.И., Аvezova Г.С.

ПЕРЕНОШЕННАЯ БЕРЕМЕННОСТЬ: РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ, ЭТИОЛОГИЯ И ПАТОГЕНЕЗ

Сагдұллаева М.А., Исламов С.И., Аvezova Г.С.

POST-TERM PREGNANCY: PREVALENCE, ETIOLOGY AND PATHOGENESIS

Sagdullaeva M.A., Islamov S.I., Avezova G.S.

Тошкент тиббиёт академияси

Развитие аспирации, заглатывания мекониальной жидкости, сепсис и гипоксически-ишемические энцефалопатии у недоношенных детей являются одной из актуальных проблем медицины. В мире проводится ряд научных исследований по улучшению гигиенических особенностей лечения и профилактики состояния здоровья и пороков развития недоношенных детей. В статье представлен обзор научной литературы по вопросам преждевременной беременности: освещены распространенность, этиология и патогенез.

Ключевые слова: новорожденные, переношенные дети, заболеваемость, распространенность.

The development of aspiration, ingestion of meconial fluid, sepsis and hypoxic-ischemic encephalopathies in premature infants is one of the pressing problems of modern medicine. A number of scientific studies are being conducted around the world to improve the hygienic features of the treatment and prevention of health conditions and developmental defects of premature infants. The article provides a review of the scientific literature on the issues of premature pregnancy: prevalence, etiology and pathogenesis.

Key words: newborns, post-term babies, morbidity, prevalence.

Сир эмаси, бутунги кунда муддатида ўтиб туғи-
ладын болалар туғилишининг күн сай-
ин ортиши натижасыда акушер гинекологларнинг
халқаро ассоциациясы (FIGO) ва акушер гинеколо-
гларнинг Америка жамияти (ACOG) тавсияси бўйи-
ча 42 ҳафталик ва ундан кўп бўлган ҳомиладорлик
муддатидан ўтган ҳомиладорлик (МЎХ) деб хисо-
бланганд. Маҳаллий акушерликда муддатидан ўтган
деб 287 кундан ортиқ давом этган ҳомиладорлик ҳи-
собланиб, у биологик жиҳатдан ўта етилиш белги-
ли туғилиши жараёни билан якунланади [18, 22, 24].

Э.К.Айламазян, В.И.Кулаков, В.Е.Радзинский,
Г.М.Савельева (2009) қайд этишича, акушер-гинеколо-
гларнинг Қироллик жамияти мутахассислари
муддати узайтирилган ҳомиладорлик ташхисини
кўйиша чақалоқ ҳолатининг тавсифи ҳисоблан-
майди, балки 41 ҳафтада ҳомиладорлик муддати-
га эришиш ҳисобланади [2,3,4]. Бундай ҳомиладор-
ликдаги туғруқлар кечиккан, аксарият ҳолатларда
туғилган бола "ҳаддан ташқари етилиш белгилари"
га эга бўлади. "Муддатидан ўтиш" ва "ҳаддан ташқари
етилиш" тушунчаларини кўпинча адаштира-
дилар, чунки "муддатидан ўтиш" – бу календар тушунча,
"ҳаддан ташқари етилиш" тушунчаси эса –
ҳомила ва чақалоқнинг жисмоний статусини баҳо-
лаш учун кўлланилади. Ҳомиладорлик муддати 42
ҳафтадан ортиқни ташкил этса ва муддатидан ўтиш
белгилари аниқланмаса, у ҳолда муддати узайган
ҳомиладорлик тўғрисида фикр юритиш мумкин.
Бунда маълумки ҳомила ҳомиладорликни 294 куни-
дан кам муддатларда ҳаддан ташқари етилиш бел-
гилари билан туғилиши мумкин [2,3,4,22,34,35].

Туғруқ муддатларини аниқ белгилаш, муддати-
дан ўтган ҳомиладорликни (МЎХ) ташхислаш учун
ҳал этувчи аҳамиятта эга, чунки кўзда туғилган
туғруқ муддатини аниқлашда кўпинча католиклар

учрайди. Туғруқни кўзда туғилган муддатларини
аниқлаш учун ҳомиладорликни эрта муддатларида-
ги ультратовуш ташхиси муддатидан ўтган ҳомиладорликларни ташхислашдаги католиклар ҳавфини
12%дан 3%гача камайтиради [1,19, 23,28].

Шуни таъкидлаш лозимки, кўплаб давлатларда-
ги ҳомиладор аёллар ультратовушли текширишларни
амалга ошириш имкониятига эга эмас. Шундай
қилиб, МЎХни аниқ сони расмий қайд этилган маъ-
лумотларга нисбатан юқори бўлиши мумкин.

А.Н. Стрижаков ва бошқалар (2009) ни қайд эти-
шича, замонавий акушерликда юқори ҳавфдаги ҳоми-
ладорлик остида шундай ҳомиладорликни тушунади-
ларки, унда туғруқдан олдинги ёки кейинги онанинг,
ҳомиланинг ёки чақалоқнинг касалланиши ёки ўлим
ҳавфи популяциядаги 70%дан юқори мумкин [17, 18].

Гестацион жараённи нохуш якун ҳавфини оши-
рища экстрагенитал патологиялар 65%гача, фето-
плацентар етишмаслик-30,6%, гестоз - 20% гача,
кесарча кесиши жарроҳлик амалиётидан кейинги ба-
чадон чандиқланиши- 15,7%, муддатидан ўтган ҳо-
миладорлик-10%гача, ҳомилани тос олдида жойла-
шиши - 3,5%, кўп ҳомилали ҳомиладорлик-1,5-4,1%
тўғри келган. Перинатал касалланиш (ПК) ва ўлим-
ни ўсишида кўрсатилган патологияларнинг аҳамия-
ти сўнгти 10-15 йил давомида ушбу кўрсаткичлар ди-
намикаси кўриб чиқилган. Ҳар йили 50 000га яқин
туғилган болалар болаликдан ногирон бўлган [25].

Ногиронликка олиб келувчи асосий касаллилар
бўлиб (барча ногирон болаларни, яъни 400 мингта
яқин инсон) асаб тизим касаллилари, руҳий бузи-
лишлар, ҳулқи бузилиши ва тугма аномалиялар бў-
либ ҳисобланади. 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган ақлий
етишмаслиги бўлган 29 минг ногирон болалар ин-
тернатларда истиқомат қиласи. Болаларнинг салом-
матлик ҳолати ва перинатал якунидаги ўта мухим

омил бўлиб уни тиббий-ташкилий вазиятларга боғлиқлиги ҳисобланади. Сўнгги йилларда (Пўни камайиши сезиларли даражада ультратовушли текшириш усулларини клиник амалиётта кенг жорий этилиши ва бу билан боғлиқ холда ҳомила ривожланишини турли аномалияларини ташхислаш ҳамда ҳомиладорларни юритиш тактикасини ўз вақтида аниқлаш билан боғлиқ [6,7, 31,32].

В.Е.Радзинский (2011) нинг фикрича сўнгти йилларда жаҳонда Пўни пасайиши куйидаги юкори смарали ташкилий чора-тадбирлар ва даволаш-ташхислаш технологияларини жорий этиш туфайли юзага келди [13].

Перинатал марказларни яратиш, базаларни янги жиҳозлар билан таъминлаш, перинатал ташхислашни ривожлантириш, ҳомила манфаатдорлигидаги кесарча кесиши учун кўрсатмаларни кенгайтириш, муддатидан олдинги түргукларда сурфактант дори воситалари ва глюокортикоидларни кенг кўллаш, чақалоқларга реанимацион ва интенсив ёрдам кўрсатиш, неонатал парвариш усулларини яхшилаш, замонавий перинатал технологияларни жорий этишдан иборат. МўҲни ҳар хил турдаги омиллар таъсири билан боғлиқ бўлган патологик ҳолат сифатида кўриб чиқиш тўғри бўлади [13].

Этиологик омил бўлиб, болалардаги ўтказилган юқумли касалликлар (сув чечак, қизамик, қизилча ва бошқалар), инфантлизм, турли экстрагенитал касалликлар, ҳайз фаолиятини бузилиши, эндокрин касалликлар, руҳий шикастланиши, гестоз, ҳомилани ва ҳомила бошими нотўғри жойлашиши, ҳомилани гипофизар-буйрак усти тизими бузилиши, ҳомилани ривожланишидаги нуқсонлар бўлиши мумкин [13].

Баъзи муаллифларнинг ҳисоблашича, МЎТ түргуники юзага келиш механизмларини бузилиши билан боғлиқ бўлади. Шунингдек муддатидан ўтган ҳомиладорликни юзага келишида ўтказилган абортлар, ички жинсий органларнинг яллигланиши касалликлари аҳамиятли бўлиб, улар бачадоннинг асаб-мушак тизимидағи ўзгаришларни, шунингдек турли эндокрин касалликларни чақиради [29,32].

Kortekaas J.C., Bruinsma A, Keulen J.KJ (2019) акушер-гинекологик ёрдам шароитида ҳомиладорликнинг кечиккан муддатларни юритишни кўриб чиқсан [30,33].

Модомики, кечиккан муддатлардаги ҳомиладорларни (КМХ) ($\geq 41,0$ ҳафталик) нисбатан оптимал юритишида ягона фикр мавжуд эмас экан, муаллифлар КМХга нисбатан ва ушбу турли туманлик катталигини аниқлаш учун Нидерландияда КМХни юритишни турли стратегияларни ўрган. Нидерландияда оналикни муҳофаза қилиш мустакил акушерлар жамоаси (түргуқса ёрдам берувчи врачлар раҳбарлиги остида ёрдам кўрсатиш) ва шифохонада фаолият олиб борувчи доялар ва акушер-врачлар (акушер врачлар кўл остида) томонидан кўрсатилади. Ҳомиладорлик ва түргуқ вақтида асоратлар юзага келганда ёки нохуш перинатал ҳаф ва/ёки оналик якунлари ошган, доялик ёрдамини олган аёллар агар зарурат бўлса маслаҳат/кузатув ва/ёки қабул учун доя-шифокорга юборила-

ди. Ҳавфни танлаб олиш шифокор-доя раҳбарлиги остида она ва болага энг мос бўлган ёрдамни таъминлаш учун доялар томонидан амалга оширилади. Ҳавфнинг ушбу танлаб олиниши "Доялик кўрсатмалар рўйхати" (ДКО-VIL) ва минтақавий ҳамкорлик келишувларига асосланган. Доялик кўрсатмалар рўйхати Нидерландларнинг миллий ҳужжатларидан ташкил топган бўлиб, амалдаги маълумотлар ва/ёки Консенсусга асосланган, унда алоҳида касалликлари ёки асоратлар ҳавфи бўлган аёллар устидан зарурий бўлган парвариш тўғрисидаги доя, гинеколог ва педиатрлар ўртасидаги умуммиллий келишув баён этилган. Доялик ва доялик ёрдами ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик "түргуқда ёрдам кўрсатиш тармоғи" (ТЕКТ-МСН, голландия ти-лида VSV)да шакллантирилган, доялик бўлимлари ва барча доялик амалиёти ходимлари ўртасидаги минтақавий шериклик бўлиб, уларда маҳаллий баённомалар миллий ва ҳалқаро қўлланмалар асосида тузилади. Маҳаллий баённомалар ва келишувлар турли МҚСларда фарқ қилиши мумкин. МЎҲ деб гестация муддати $\geq 42,0$ ҳафта бўлган ҳомиладорлик ҳисобланади. КХ 41,0-41,6 ҳафталик ўртасидаги ҳомиладорлик киради [32, 33, 34].

2013 йилда Нидерландияларда МЎҲдан 0,23% ва кечиккан ҳомиладорликда 0,16% Пўнинг мутлоқ ҳавфидаги 2199 (1,3%) аёллар муддатидан ўтиб тутди ва 27460 (16,7%) аёллар эса кечиккан түргукини бошидан ўтказдилар. Кечиккан муддатларда асоратланмаган ҳомиладорликни юритиш бўйича Миллий тавсиялар мавжуд эмас. Паст доялик ҳавфига эга бўлган доялар кўргиги остида 42,0 ҳафтагача, 41 ва 42 ҳафта ўртасидаги даврда улар доя назорати остида түргуқчача бўлган кўриқдан ўтиши мумкин ёки уларни доя-шифокор назорати остидаги маслаҳатта юборилади. Кечиккан ёки МЎҲка етган ҳалқаро қўлланмаларни нохуш перинатал ёки оналик якунлари ҳавфини пасайтиради. Бироқ, түргуқлар индукциясининг оптималь вақти, шунингдек, КМХларда маслаҳатлар сони ва мазмунига нисбатан ягона фикрлар мавжуд эмас. КМХда ҳомила ўсишини баҳолаш ёки амниотик суюқликни аниқлаш, нисбатан УТТни ўтказишнинг аниқ маълумотлари мавжуд эмас. Ҳалқаро қўлланмалар ва адабиётлар кўзда тутадики, 41 ҳафта давомидаги түргуқлар индукцияси сифатида ҳам, кузатишлар билан ёки уларсиз антинатал маслаҳатли 42 ҳафталиккача кутиш тактикаси сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин [33, 36].

Тоҷикистонлик олимлар М.А.Сайдова, С.Д.Юсуфи, З.Х.Рафиева (2022) Душанбе шаҳридағи МЎҲ бўлган аёлларда түргуқни кечиши, сони ва ҳаф омилларини ўрганиш натижаларини тақдим этган [15, 16, 19, 20, 21].

МЎҲда она ва ҳомилада асоратлар сони ортади. 7 йилда Душанбе шаҳрида истиқомат қилувчи аёлларида МЎҲ сони 3,9 дан 0,83% гача ҳолатни ташкил этган. МЎҲ физиологикка нисбатан 10-14 кун кўпроқ давом этади ва ўта етилган болани тутилиши билан якунланади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, түргуқ индукцияси бўйича миллий стандартлар юритилгандан кейин МЎҲ ва у билан боғлиқ бўлган асоратлар миқдори

камаяди. МҮХ кузатилган аёллар орасида ҳар иккисида бириинчи ҳомиладорликдир. МҮХ кузатилганларда түргүрүк ва ҳомиладорликни кечиши асоратларни юқори сони билан тавсифланади, у мөс холда $6,7 \pm 2,0\%$ ва $70,8 \pm 2,16\%$ ни, 382 (72%) аёллар табиий йўл билан туғди, кесерча кесиш йўли билан эса-77(15%) аёлларда түргүрүк жараёни ўтказилди. Түргүрүк индукияси бўйича миллий стандартлар юритилгандан кейин кечиккан түргүрүклар сонини пасайиш тенденциясига қарамай, МҮҲни доялик ва перинатал якунлари эътиборга лойик[17, 33].

МҮҲни кент тарқалган оқибатлари ҳомила ма-кросомияси, асоратли түргүрүк фаолияти, түргүрүдаги жароҳатлар ва жарроҳлик йўли билан амалга ошириладиган түргүрүклар сонини ортишини ўз ичига олади. МҮҲни кечиши асоратларни (гестоз, камқонлик, гипоксия ва ҳомила асфиксияси) юқори нисбати, шунингдек түргүрүк вақтидаги асоратлар (ҳомила олди сувини муддатидан олдин чиқиб кетиши, түргүрүк кучидаги аномалиялар, клиник тор тос, гипотоник қон кетишлар, ҳомила гипоксияси ва асфиксияси ва ҳомилани түргүрүк жароҳатлари) билан тавсифланади [15, 17, 33, 34].

Америка акушер-гинекологлар ассоциацияси түргүрүк муддатини узайтиришга нисбатан факат она ва ҳомила учун түргүрүкни ҳал этиш ҳавфи паст бўлган ҳолатлардагина индуцирланган түргүрүкни кўлашни регламентлайди[35]. Америка ва Канада миллий статистик марказларининг маълумотлари бўйича Шимолий Америкада индуцирланган түргүрүклар улуши 20%дан ортиқни ташкил этади. Россия Федерациясида ушбу кўрсаткич 5%дан 18% гача ўзгариб туради [26].

Она ва чақалоқ саломатлигига ҳомиладорлик асоратлари (гестоз, фетоплacentар етишмовчилик, резус-омил бўйича иммунологик мөс келмаслик, муддатидан ўтган ҳомиладорлик) айниқса ҳомиладор аёл тосини анатомик тор бўлиши билан бирга келадиган ҳомилани йирик ўлчамлари аёлларни экстрагенитал касаллуклари ноxуш таъсир кўрсатиши, шу билан боғлиқ холда ҳавфсиз оналик, тирик, соғлом болани туғилишини таъминлашда кўп холларда МОТни ҳал этиш заруриати тўғрисидаги масалани ҳал этишга тўғри келади. Мазкур муаммони ҳал этиш мумкин бўлган йўлларидан бири индуцирланган түргүрүк бўлиб ҳисобланади[19,21].

Ҳомиладорликнинг энг кўп учрайдиган асоратларига ҳомилани сурункали гипоксияси, гестацион камқонлик, гестацион қандли диабет киради. Түргүрүни кечиши кўпинча ҳомила олди сувини ўз вақтида тўкилмаслиги, түргүрүк фаолияти аномалиялари, түргүрүкни ҳал этишда абдоминал жарроҳликни янада кўпроқ кўлланилиши билан асоратланади. Чакалоқлар туғилганида тана оғирлигини янада юқори бўлиши ва туғилганида Алгар шкаласи бўйича яна паст баҳоланиши билан тавсифланади. МҮХ ҳам оналик, ҳам перинатал асоратларнинг юқори ҳавфи билан бирга келади. Бу асоратларни олдини олиш учун гестациянинг 41 ҳафталикдан кейинги муддатларда түргүрүкни индуцирлаш зарур. МҮҲни ташхислаш усуллари ва мөс бўлган индуки-

он түргүрүклар учун аёллар контингентини аниқлаш тўғрисидаги масалалар ҳозирги вақтгача баҳсли бўлиб қолмоқда [12].

Индуцирланган түргүрүкларда ҳомиладорлик ва түргүрүни кечиши, чақалоқлар ҳолатининг ўзи га хосликларини ўрганиш мақсадида 2016 йилда М.А.Подгорбунский номидаги ТТБ шифохонаси түргүрүхонаси маълумотлари бўйича 216 нафар түргүрүк тарихи ва чақалоқларнинг ривожланиш тарихини ҳолат-назорат тадқиқотлари ўтказилди [9, 10,15,12].

Асосий гурухни индуцирланган түргүрүкли ва уларнинг чақалоқлари билан 108 нафар аёллар, назорат гурухни эса 108 нафар ўзи түкқан ва уларнинг чақалоқлари ташкил этди. Түргүрүни қўзғатишни турли усулларини самараадорлиги, түргүрүни бошлиниши, уларнинг давомийлиги, түргүрүдаги қон йўқотишилар даражаси, түргүрүк фаолиятидаги аномалиялар, чақалоқнинг саломатлик ҳолати баҳоланган. Түргүрүни қўзғатиш учун кўрсатмаларга, соматик патологияларни кучайиши-42(32,1 %) нафар; консерватив даволашга чидамли бўлган презклампсия-33 (27,2%)нафар; ҳомила олди сувини муддатидан олдин тўкилиши ва муддатида якунланаётган ҳомиладорларда доимий түргүрүк фаолиятини мавжуд бўлмаслиги-16 (11,3 %), МҮХ-27 (22,9 %) нафар аёлларда кузатилган[19,20].

Түргүрүни қўзғатишдан олдин E.H.Bishop шкаласи бўйича бачадон бўйини етилиш даражаси ҳисобга олинди [27]. Тос ўқи, бачадон бўйинининг узунлиги ва консистенцияси, ташки тешикни очилиши, ҳомилани ётган қисмини жойлашган ўрнига нисбатан бачадон бўйинининг ҳолати аниқланди.

E.H. Bishop шкаласи бўйича баҳоланганда 6 баллгача бўлган бачадон бўйини «етилмаган», 6-8 баллни-«етарли даражада етилмаган», 8 баллдан юқори-ни-«етилган» каби баҳоланди. «етилмаган» бачадон бўйини 10 нафар ҳомиладорларда (9,6 %), «етарли даражада етилмаган»-27 (26,0 %) ва «етилган» - 69 (65,4 %) нафар ҳомиладорларда кузатилган [27].

Индуцион түргүрүк зарурияти ва уни ўтказиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишдан олдин шунингдек ҳомиланинг ҳолати (ультратовушли текширишлар, кардиотокография, допплерометрия), ҳомиланинг боши ва она тоси ўлчамларини мослиги баҳоланди, гестация муддатлари аниқлаштирилди, мөс бўлган усулларда түргүрүни қўзғатиш ўтказишга ҳомиладорни маълумотли розилиги олинди. Ультратовушли текширишлар, кардиотокография, допплерометрия натижалари бўйича қўйидаги маълумотлар олинди: УТТ натижалари бўйича 10 нафар (9,2 %) аёлларда ҳомиладорлик вақтида паст плацентация, 12 (11,1%) да ҳомила олди суви миқдорини бузилиши, 29 ҳомилада (26,8%) юрак фаолияти чегара ҳолати тури бўйича кардиотокография бузилишлари аниқланди. Бачадон-йўлдош ва ҳомила-йўлдош қон оқимидағи бузилишлар допплерометрияда аниқланмади. Муаллифлар таъқидлайдиларки, индуцирланган түргүрүни ўтказилиши қон йўқотилишини, түргүрүк фаолияти аномалияларни юзага келиш сонини, түргүрүк йўллари шикастла-

нишларини, чақалоқни касалхонада бўлиш вақтини оширади. Индуцирланган туғруқ усулини самардорлиги бачадон бўйини «етилиши», ҳомиладорлик муддати, ҳомиланинг ҳолатига боғлиқ бўлади[27, 30,33].

Аёллардаги соматик ва акушер-гинекологик анамнез маълумотлари, физик текшириш усул маълумотлари, асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш маълумотлари (ҳомила олди сувининг миқдори ва сифатини баҳолаш; йўлдошни етилганлик даражасини баҳолаш; бачадон бўйини етилганлигини баҳолаш), шунингдек ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида юзага келган асоратлар ҳисобга олинди. Ҳомила ҳолатини баҳолаш учун кардиотокография; ҳомилани етилиш белгиларини баҳолаш билан ультратовушли фотометрияни ўз ичига олган ҳомиладорларни скрининг текшириш маълумотлари ҳисобга олинди. Чакалоқларда неонатолог томонидан амалга оширилган чакалоқнинг тана вазни, тана узунлиги, Алгар шкаласи бўйича 1- ва 5-дақиқаларда уларни баҳолаш ёзувлари ҳисобга олинди; етилиш белгилари аниқланди; ўтказилган тадқиқотлар бўйича муддатидан ўтган ҳомиладорликда аёлларни ўртача ёши 32-36 ёшни ташкил этди. 30-ёшгача бўлган биринчи марта туққанлар - 28%, 30 ёшдан кейин биринчи марта туққанлар - 48 %, такорий туққанлар - 24 % ни ташкил этди. Соматик анамнез ўрганилганда 19 нафар аёлларда (76%) сурункали касалликлар мавжудлиги аниқланди. Улардан: сийдик чиқариш йўллари инфекцияси (сурункали пневмонефрит, цистит) - 12 нафар аёлларда (63,1%), семизлик - 9 нафар аёлларда (47,3%), сурункали холецистит - 9 нафар аёлларда (47,3%), аутоиммун тиреотоксикоз 2 нафар аёлларда - (10,5 %) қайд этилди. 12 нафар аёлларда (48%) туғруқ асоратли бўлди. Асоратли туғруқлар орасида 5 нафар аёлларда (41,6%) - ҳомила пардасини муддатидан олдин ёрилиши, 7 нафар (58,3%) аёлларда оралиқ ва қринни ёрилиши аниқланди. Кесарча кесиш 13 нафар (52%) аёлларда ўтказилди. Жарроҳлик амалиётини ўтказишнинг энг кўп юзага келган сабаби бўлиб ҳомилани йириклиги ва ҳомилага ҳавф солувчи гипоксия ҳисобланади[8,33].

Ҳомиладорларни ультратовушли текширишда йўлдош қалинлигини камайиши ва 36% аёлларда петрификатларнинг мавжудлиги, 19,2% аёлларда эса амиотик суюқлик индекси < 70 мм эканлиги бўлди. 15 нафар чакалоқларда (60%) эрга неонатал давр гипоксия, ўртача асфиксия билан 44%, она қорни ичидаги инфекциялар билан 16%, чакалоқлар (64%), нефалгематома эса 4 нафар чакалоқларда (16%) кузатилди. Чакалоқларнинг тана вазини тақсимланиш таҳдили кўрсатдик, 4(16%) чакалоқлар 2501-3000 г, 9(36%) нафар чакалоқлар-3001-3500 г, 12(48%) чакалоқлар - 3501-4000 г тана вазнига эга бўлди. Туғилганда чакалоқлар ҳолатини баҳолиш учун Алгар шкаласидан фойдаланилди. Муддатидан ўтиб туғилган чакалоқлар (МЎТЧ) Алгар шкаласи бўйича-энг юқори белгиларга эга бўлди, бу оғир ва ўрта даражали гипоксиядан гувоҳлик беради[10,33].

Муддатидан ўтиш белгилари (Клиффорд синдроми) - 22(88%), тургорни пасайиши - 19(86,3%), бош чаноқ сукларини жисплеги (лиқилдоқ ва чокларнинг торлиги) 17(77,2%), тери ости ёт клечаткасини ва тери бурмаларини камлиги -11(50%) нафар чакалоқларда кузатилди.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ҳомиладорлик муддатини туғруқни кечиши ва чакалоқлик даврига кўрсатдиган тъсири ўз тасдиғини топди. Натижада ҳомиладорлик муддатидан ўтишига олиб келувчи омиллар ҳомиладор аёлни ёшини 30 дан юқорилиги ва асосан бу биринчи марта туғувчи аёл, юқумли ва юқумсиз табиатли сурункали касалликлар, липидлар алмашинувини бузилиши, қалқонсизмон без касалликлари (ҚБК), ўз ўзидан бола тушиши ва абортлар, ҳайз циклини доимий бўлмаслиги, йўлдошдаги дистрофик ўзгаришлар ва сувини кам бўлиши шулар жумласидандир.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларни қайд этишича МЎҲ муаммоси замонавий акушерлик ва неонатологиядаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида катта аҳамият касб этмоқда. МЎҲ туғруқ фаолиятини кеч ривожланишини билдиради. МЎҲни якуний ташхисини факат туғилгандан кейин, чакалоқда ўта етилиш белгилари мавжуд бўлганида кўйиш мумкин. МЎҲ одатда гестозлар, ҳомиладорлик тўхтатиш ҳавфи фето-плацентар етишмовчилик негизида кечади.

Муддатидан ўтган ҳомиладорлик МАТнинг перинатал шикастланишларини клиник намоён бўлиши, ҳомила ва чакалоқнинг дистресс синдроми учун юқори ҳавф омили бўлиб ҳисобланади. МЎҲ ҳомила олди сувини туғруққача қуилиши, туғруқ фаолиятини сустлиги, қон кетиш каби асоратлар сони юқоридир. Бу ўз навбатида жарроҳлик усули усули билан туғруқни ҳал этиш ҳавфини оширади. МЎҲдаги жарроҳлик аралашувларининг катта қисми ургент ўтказилади. Шунингдек ўз муддатидан туғилган болаларга нисбатан солиширилганда МЎҲ чакалоқларни туғруқхонада янада узокроқ бўлиши қайд этилади.

МЎҲдаги перинатал касалланиш ва ўлим тузилмасида асосий ўринлардан бирини иккита асосий дистресс синдром - нафас етишмаслиги ва ҳомила олди сувлари билан аспирация кўринишида намоён бўлувчи туғруқдаги нафас функцияларининг патологиялари эгаллайди. МЎҲ-бу чакалоқларнинг мослашиш механизмларини бузилиши ҳавфи бўйича нафақат ҳавф омили бўлиб ҳисобланади, балки она учун жарроҳлик усули билан туғруқни амалга ошириш сонини ортиши нуқтаи назаридан касалхона ичи флорасини юқтириш сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади[14].

Бир қатор тадқиқотлар кўрсатдик, ультратовушли текширишлардан антинатал даврдаёқ фойдаланиш МАТни, юзни, юрак қон томир тизими, ўпкалар, меъда-ичак тизими, буйраклар ва сийдик таносил, жинсий органлар, таянч-харакат тизими ривожланишидаги аксарият катта миқдордаги аномалияларни ташхислашга имкон беради. Эхографиядан фойдаланганда ҳомиланинг риво-

жланиш аномалияларини анатомик намоён бўлишини ташхислаш аниқлиги 92%ни ташкил этади, бунда уларни аниқлашниң оптимал муддати 20-24 ҳафталикдир. Неонатал хизматнинг замонавий ютуклари ва жарроҳлик ёрдамини юқори технологик усулларини жорий этилиши туфайли тұғма ривожланиш нуқсонларининг 40-50%га яқинини ўз вақтида аниқланиш зарур [12,16].

Кўп сонли тадқиқот натижаларини ёритган адабиёт нашрларининг маълумотлари кўрсатдики, катталарап саломатлигидаги фарқларни юзага келиш манбаси уларнинг болалигига бориб тақалади. Олимларнинг фикрича инсонларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини асоси пренатал филогенез ва онтогенез даврида қўйилади. Боланинг саломатлиги онанинг саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ. Қисман бу маълум касалликларга бўлган ирсий мойилллик, она қорни ичидаги ривожланишни бузилишлари ва оғир ва/ёки сурункали касалликлардан азият чекувчи онани болага бериши мумкин бўлган ғамхўрлигини янада паст сифати билан боғлиқдир. Демак масалан, онани чекиши, тиббий абортлар, ҳомиладорлик вақтида респиратор инфекцияли касалликларни ўтказиш, кам қонлик, ҳомиладорликни тўхтатиш ҳаффи келажақда болада ЎРВИ ва саломатлигидаги бошқа бузилишларни шаклланишида биологик аҳамиятли ҳаффи омили бўлади [20,21].

Сўнгти йилларда МЎҲлик акушерликдаги жиддий муаммо бўлиб ҳисобланади, модомики барча муаллифлар уни боладаги узоқ ва яқин асоратлар, туғруқдаги жароҳатларнинг етарли даражадаги юқори сони туфайли чақалоқлар учун, айниқса ҳомила учун ва оналар учун уни юқори ҳаффи гурухига киригадилар [10,11,13,15,18,20,33,34].

Муддатидан ўтган ҳомиладорликни ташхислаш усуллари ва туғруқлар индуksияси учун аёллар контингентини мос холда аниқлаш масалаларини гигиеник таҳлил қилиш, уни олдини олишнинг профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, оналар саломатлик ҳолати, касалланишни олдини олиш, уларнинг келиб чиқиши сабабларни баҳолаш тартибини ишлаб чиқиши ҳозирги вақтта қадар бахсли бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммонинг ечимини топиш замонавий клиник ва профилактика тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Adabiyotlar ro'yxati bilan tahririyatda tanishish mumkin

МУДДАТИДАН ЎТГАН ҲОМИЛАДОРЛИК: ТАРҚАЛГАНЛИГИ, ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЕЗИ

Садгуллаева М.А., Исламов С.И., Авезова Г.С.

Муддатидан ўтиб тутгилган балаларда аспирация, мекониал суваларнинг ютиши, сепсис ва гипоксик ишемик энцефалопатиялар ривожланиши балаларнинг келгусида патолазик ҳолатлар билан тутгилишини олдини олиш ва самарали даволаш тартибини ишлаб чиқиши замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир. Жаҳонда муддатидан ўтиб тутгилган балаларнинг саломатлик ҳолати ва ривожланишидаги нукронини даволаш ва олдини олишнинг гигиеник хусусиятларини тақомиллаштириши бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мақалада муддатидан ўтган ҳомиладорлик тарқалганлиги, этиологияси ва патогенезига oid илмий адабиётлар шарқи келтирилган.

Калит сўзлар: чақалоқлар, муддатидан ўтиб тутгилган чақалоқлар, касалланиш, тарқалганлиги.